

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 13 (7.162). Sotuvda erkin narxda



● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимиз Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Яқинда Озарбойжоннинг "Ундар" давлат нашриётида Алишер Навоийнинг "Талланган асарлар"и замонавий полиграфия имкониятлари асосида кўп минг нусхада chop этилди.

● Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Республика "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилган "Келажак овози - 2006" курик-танловини оммавий ахборот воситаларида кенг ва атрофлича ёритган фаол журналистларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Термиз шаҳридаги биринчи виллоят шифонасида ихтисослашган жаррохлик маркази иш бошлади. Малакали тиббиёт ходимлари хизмат қиладиган ушбу марказда мураккаб операцияларни ҳам муваффақиятли ўтказиш имконияти мавжуд.

● Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 26 декабрда қабул қилинган "2007 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объекти курилишининг манзили аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бу йил Самарқанд вилоятида олтинта спорт мажмуи куриб битказилди.

● Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида қояга чиқиш бўйича ўтказилган халқаро мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчилардан Жамшид Урозалиев қояга тез чиқиш беллашувларида учинчи натижа кўрсатиб, бронза медални қўлга киритди.

● Самарқанд шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтган шахмат бўйича виллоят биринчилигида 80 нафар спортчи куч синашди.

● Наманган виллоят фавкуллода эпидемияга қарши курашиш комиссиясининг мажлисида гриппнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

● Қарши шаҳрида Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, Қашқадарё виллоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг виллоят кенгашилари ташаббуси билан ўтказилган "Энг намунали милиция таъин пункти" курик-танловининг виллоят босқичи якунларига бағишланган тадбир бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида

2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламлигини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагиларни кўзда тутувчи "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишга, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги

қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

"Меҳрибонлик" уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болалар тўғри-

сида эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, "Сен ёлғиз эмассан" мақсадли вазифасини ҳаётга аниқ татбиқ этиш;

аҳолининг ночор қатламлари - муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини рўйбга чиқаришда маҳаллар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалда жорий этиш;

ижтимоий хизмат кўрсатиш жисмоний ва маънавий жихатдан соғлом авлодни камол топтириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш

бўйича ишларни такомиллаштириш ва "Соғлом она - соғлом фарзанд" ҳаракатини хар томонлама рағбатлантириш, жумладан, мактабларнинг юқори синфлари, касбхона коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юрлари ёшлари ўртасида тушултириш ишлари ва факультатив машғулотлар ўтказиш; ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Муруват" уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмининг такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини, шунингдек, умуман ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш даражасини ошириш;

(Давоми 2-бетда)



Мамлакатимизда етиштирилган "оқ олтин"ни қайта ишлаб, чет давлатларга экспорт қилишга Шахрисабз туманидаги "Оқ сарой тўқимачи" ЛТД қўшма корхонаси муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Бу ерда 700 нафар ўз соҳасининг усталари меҳнат қилаётир. Қувонарлики, уларнинг ахсарияти изланувчан, интилувчан ёшлардир. Лаззатхон билан Сайёрахон жамоанинг тиришқоқ ёш мутахассислари. Улар маҳсулот сифатига масъул.

СУРАТДА: назоратчилар Лаззатхон Ниёзова ва Сайёрахон Гофурова.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

Сингапурдаги самарали музокаралар

СИНГАПУР, 25 январь. ЎзА махсус мухбири Анавар БОБОЕВ хабар қилади: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни Сингапур Президентининг "Истана" саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Ислам Каримов ва Селлапан Рам Натан фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Сингапур Президентларининг яккама-якка учрашуви бошланди. Ислам Каримов ва Селлапан Рам Натан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, ўзларини қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ва халқаро майдонда кечаётган жараёнларга икки томоннинг муносабати ва ёндашувлари яқин эканлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Сингапур билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлиги, айни пайтда Сингапурнинг Ўзбекистон билан алоқаларини янада ривожлантириш тарафдори эканлиги таъкидланди. Бу йил мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил бўлган бўлса-да, савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг, умуман, давлатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси ҳали тўла шакллантирилмаган. Шунга қарамай, ўзаро савдо ҳажми 2006 йилда 100 миллион АКШ долларини ташкил этди. Бу икки томонда ҳам ҳамкорлик учун қизиқиш катта эканлигидан далolatдир.

Ўзбекистон ва Сингапур кўпгина халқаро муаммоларга, Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда, бир хил назар билан қараши таъкидланди. Бундай ҳамфикрлик ҳамкорлик учун яхши замин бўлиши шубҳасиз.

Музокара Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун раҳбарлигидаги икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги учрашувида давом эттирилди. Мулоқот чоғида саноатга, жумладан, нефть-кимё, фармацевтика ва электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатига замонавий технологияларни жалб қилиш, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни учинчи давлатларга экспорт қилиш билан боғлиқ соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш икки томон учун ҳам фойда келтириши қайд қилинди.

Музокаралар якунида Президент Ислам Каримов ва Бош вазир Ли Сянь Лун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Сингапур Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Ўзбекистон Республикаси ва Сингапур Республикасининг

Республикасининг қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида икки томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги аниқлашув меморандуми, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Сингапур Стандартлар, ишлаб чиқариш ва инновация кенгаши ўртасида стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Сингапур Бизнес федерацияси ўртасида аниқлашув меморандуми имзоланди.

Ислам Каримов Сингапурнинг устоз-маслаҳатчи вазири Ли Куан Ю билан ҳам учрашди. Сингапурнинг ҳозирги тараққиёт даражасига эришишида мана шу етуқ сиёсатчининг хизматлари катта. Сухбат чоғида Ўзбекистон-Сингапур муносабатларини ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз раҳбарининг Сингапурга давлат таширфини Сингапур оммавий ахборот воситалари кенг ва батафсил ёритмоқда. Мамлакатнинг энг нуфузли газеталари, теле ва радио каналлари таширфи арасида Ўзбекистон билан Сингапур муносабатлари ва Президент Ислам Каримов ҳақида қўлаб-қўллашчи алоқалар мавқиясида таъкидланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Сингапурга давлат таширфи давом этмоқда.

Ўзбекистон-Сингапур бизнес-форуми

СИНГАПУР, 25 январь. ЎзА махсус мухбири Анавар БОБОЕВ хабар қилади: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Сингапур Республикасида давлат таширфи доирасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. У Сингапур бизнес федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.


Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Р.Азизов мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юқсалиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистоннинг ерошти ва ерушти бойликлари, меҳнат ресурслари катта. Лекин мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг моҳияти шундаки, Ўзбекистон қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш йўлидан бормоқда. Масалан, пахта хом ашёси билан ундан қайта ишланган маҳсулот ўртасида жуда катта фарқ бор. Табиий газ хусусида ҳам шунини айтиш мумкин. Унинг таркибидаги этанол моддаси полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Ўзбекистон ва Сингапур ишбилармонлари мазкур соҳаларда ҳамкорликни кучайтириши яхши самаралар бериши шубҳасиз.

Алоқаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари жуда кўп ва хилма-хил. Нефть-газ, нефть кимёси, тўқимачилик, телекоммуникация, металлургия, машинасозлик, озиқ-овқат ва фармацевтика саноати - булар бизнес-форумда тилга олинган соҳаларнинг айримлари, ҳолос.

Анжуманда Сингапурнинг катта давлат ташиқи ишлар вазири Зайнал Обидин Рашид, Сингапур бизнес федерацияси халқаро алоқалар қўмитаси раиси Марк Хонг Президент Ислам Каримовнинг Сингапурга давлат таширфи мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш билан бирга, ишбилармон доираларнинг бевосита ҳамкорлиги учун ҳам кенг йўл очишини алоҳида таъкидлади.

Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган Ўзбекистон Марказий Осиёнинг жадал ривожланаятган мамлакатидир, - деди Зайнал Обидин Рашид. - Улкан салоҳиятга эга бу давлат сўнгги йилларда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириб, хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштирмоқда. Гарчи, биз Ўзбекистонни яқиндан ўрганишга энди киришган бўлса-да, сингапурликлар у ерда қатор қўшма корхоналар очишга улгурганини таъкидламоқчиман. Масалан, «Сингапур айриском» компанияси Самарқандда музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Мазкур қадимий шаҳардаги қўшма корхона бу турдаги маҳсулотлар бозорига етакчилардан. Сингапур углеводород хом ашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш, меҳмонхона бизнеси, сайёҳлик, тўқимачилик, инфратузилмани такомиллаштириш каби кўпга соҳаларда Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Президент Ислам Каримовнинг таширфи халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатларимизнинг салоҳияти билан яқиндан танишиш ва мавжуд салоҳиятни ишга солиш йўлларида оид масалаларни муҳокама қилиш учун жуда қўлай имконият яратди.

Форум якунида Ўзбекистон ва Сингапурнинг қатор вазирлиқ ва компаниялари ўртасида ўзаро ҳамкорликда доир ҳужжатлар имзоланди.



Режалаштириш асосини эса бизнес-режа ташкил эта-

АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ:

Илм мангу қолади

Юртимиз таълим тизимидаги эзгу ишлар бугун нафақат оролбўйлик ҳар бир муаллим ва ўқитувчининг, барча-барчани беҳад севинтирмоқда. Ўзининг дилтортар, пурҳикмат шеърлари билан доврқ қозонган шоир Ажиниёз номи билан аталувчи Нукус Давлат педагогика институтида ҳам бир қатор хайрли ишларнинг амалга оширилаётганлиги диққатга сазовордир. Ўзбекистонга молия жиҳати шундаки, бу масканда Ўзбекистон Қадимоналари, халқ шоири Ибройим Юсупов, халқ ёзувчиси Тулепберген Қайиббергенов, халқ ўқитувчиси Алланиёз Утаниёзовлар ҳам сабоқ олишган.

Кишининг бахтли яшashi учун нималар керак бўлади? Қорнинг оч бўлса, қўлогинга гап кирмайди. Кийимнинг эски, уринган бўлса, ўқийсан. Ҳеч кимга керак бўлмаслик ҳаммасидан ёмон. Ҳўш, келадими? Ҳар бир ақли, меҳнати билан ақл ва меҳнатсодан билим ва тартирлади. Таълим ва тарбия берувчини мураббий, деймиз. Мураббийлик дунёдаги энг улуг ва эзгу ишлардан. У ёш авлоднинг ҳаётга тайёрлайди ва бу иш билан инсоният деб аталадиган силсиланинг янги халқасини, келажак авлодини вояга етказида. Институтида сабоқ бераётган устозлар тафаккур, билимни ўқитиш ўқил-қизларни ҳаётга учирма қилишди. Шу ўринда улар жамиятни ҳам қайсидир маънаво каломла етказишди, десак асло янглишган бўламиз.

(Давоми 4-бетда)

Орамиздаги одамлар

Санобатхон ўрта мактабини битирдию кўпчилик синфдошлари каби шаҳарга ошиқмади. У болалиги ўтган, қизалоқлик чоғидан отасига эргашиб ўрганган икки тарафи тутқатган, оёқ остида туяроқ билкиган далада ишлашга жазм қилди.

Ўқувчилик маҳалим пахтазор оралаб юришни, дала

Санобатхоннинг саодати

бошида орзу-хаёлларга берилиб ўтиришни яхши кўрадим, - дейди у. У олдинги механизаторлик қилди, чопиқ тракторини минди, машинада пахта терди. Кейинроқ салкам юз гектар ер, бунда ишлаётган одамлар тақдирини бу тиниб-тинчимас аёлга ишониб топширишди. Шундай қилиб, Санобат Иномова дала кеза-кеза роппа-роса элликка етди.

(Давоми 2-бетда)

Уйда ўтирган... эркак

Икки йилча илгари Баходир деган бир йигит билан танишиб қолгандим. У билан иккинчи учрашганимизда қувончини яширолмай деди: -Ака, яқинда уйланимочкиман! -Табриклайман! Бўлғуси келининг исми ким? -Гулчеҳра. -Исми чиройли экан, бирон жойда ўқийдими ёки ишлайдими? -Йўқ, бозорда тирикчилик қилади.

-Сиз ишлайсизми?! -Э, бекорчиман, - деди у. -Унда у қиз сизга турмушга чиқишга қандай рози бўлди? -Тўрт марта училламаслик қилса керак, очишга торҳар гал Гулчеҳра "Сиз кўркманг, сизни ўзим боқаверман", деб далад беряпти, - деди йигит.

Тўғриси, олдин ажаблангандай бўлдим. Кейин ҳозир бунақалар кўп-ку, деган уйга бориб, парав қилмадим. Ҳар ҳолда, насихат қилиб қўйишни жоиз билиб дедим: -Ука, барибир сиз ҳам ишланг. Эркакнинг тоғанида барака бўлади. Аёлининг қўлига қараб қолиш эр йигитга ярашмайди. Ушанда мен Баходирнинг саҳи-сумбатига қараб, тоғни урса талқон қиладиган йигитлигига ишонган эдим. Яқинда уни бозорда учратиб қолдим. -Кизимга сўриг излаб чиқувдим, - деди у. -Киз кўрдигизми? -Ҳа, бир ёшга етай деб қолди.

(Давоми 4-бетда)

ҲУҚУҚ

Халқимизда азалдан "етти ўлчаб, бир кес", деган бир нақл бор. Ҳар бир иш режа билан қилинса, унинг самараси ҳам қутулгандек бўлади. Режа бу - ҳисоб-китобнинг аниқ олиб борилиши учун қўлланмадир.


Режалаштириш асосини эса бизнес-режа ташкил эта-

Бизнес-режа қандай тузилади?

ди. Шунинг учун режалаштириш ва бизнес-режа фермер ҳўжалигини юритишда муҳим аҳамиятга эга.

Авваламбор, бизнес-режа бу - фермернинг мақсади, ишлаб чиқариш фаолиятини белгиланган муддатга бўйича амалга ошириш лозим бўлган имкониятлари ва юқори даражада фойда олишни таъминлаш борасидаги ёзма дастуридир.

(Давоми 2-бетда)



Оламда нима гап?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ“Ижтимоий ҳимоя йили”
Давлат дастури тўғрисида

(Боши 1-бетда)
ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг касб маҳорати ҳамда маънавий ўсишини моддий ва ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини кўнглили ўтказишни ва спорт билан шуғулланишини ташкил қилиш, ҳаётга қадим қўйган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини тайёрлаш ва амалга ошириш;
фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватла-нишини таъминлаш, муҳтожларга бегараз ёрдам бериш;
2. “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 декабрдаги Ф-2632-сонли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича 2-иловага мувофиқ таркибда Кенгаш ташкил этилсин.

3. Республика комиссияси ва “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Кенгаш (Ш.Мирзиёев):
икки ҳафта муддатда ва-

зирликлар, идоралар, ҳўжа-лик бирлашмалари, Қорақал-поғистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши, виллоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликла-ри томонидан ҳар бир идо-ра, аҳоли пункти, туман, ша-ҳар ва минтақа бўйича “Ижти-моий ҳимоя йили” ҳудудий ва тармоқ дастурларининг иш-лаб чиқиши ва қабул қили-нишини таъминласинлар;
республика ва ҳудудий дав-лат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандлари тўлиқ ҳамда сўзсиз бажарили-ши бўйича ишларнинг муво-фиқлаштирилишини ташкил этсинлар, Дастурга киритил-ган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизим-ли назорат ўрнатсинлар;
“Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури билан тасдиқ-ланган топшириқларнинг ба-жарилиши тўғрисида ҳар чо-рак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот тақдим этиб турсинлар.

4. Қорақалпоғистон Рес-публикасида, виллоятларда, Тошкент шаҳрида ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғис-тон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари боши-ча

лигида Дастурни амалга оши-риш бўйича тегишли комис-сияларни ташкил этиш мақ-садга мувофиқ деб ҳисоблан-син, улар зиммасига Дастур тадбирларининг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши у-стидан ҳар ойлик мониторинг ва қатъий назорат олиб бо-риш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиоканаллари, омма-вий ахборот воситалари жа-миятда эзулик ва меҳрибон-лик муҳитини мустаҳкамлаш-га алоҳида эътибор қаратган ҳолда “Ижтимоий ҳимоя йи-ли”нинг мақсадлари ва аҳамиятини кенг қўламда ту-шунтириш, тадбирларнинг амалга оширилишини, шу жумладан давлат ташкилотла-ри ва маҳаллий ҳокимият органлари, ижтимоий ва но-давлат хайрия ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассаса-лари, шунингдек, айрим фу-қаролар, маҳаллалар, қорхо-на ва ташкилотлар жамоала-ри қўшаётган аниқ ҳиссани мунтазам ёритиб боришни таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг ижро-сини назорат қилиш Ўзбеки-стон Республикаси Бош ва-зири Ш.Мирзиёев зиммаси-га юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВТошкент шаҳри
2007 йил 23 январь

Пешку туманидаги “Навбахор-техсоз” муқобил МТП 30 дан зиёд фермер ҳўжалиги-га хизмат кўрсатади. Мазкур МТПда 40 га яқин техника экиш мавсумига аллақачон шай қилиб қўйилган.

- Техник таъмирлаш, сошлаш ишларини бажариб бўлганмиз, - дейди механизатор Урол Сиддиқов. - Уларни яна бир маротаба кўздан кечириб, синаб кўряпмиз.
СРАТДА: механизатор Урол Сиддиқов.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

(Боши 1-бетда)

Бизнес-режа, одатда, қатъий ҳисоб-китобларга асосланган ҳужжат бўлиб, мавжуд бозорлар ҳолатини аниқ таҳлил қилиб ва ўз мақсадла-рини аниқ кўз олдида келтири- билан, фермер ҳўжаликлари-нинг раҳбарлари томонидан мустақил ра-

лиш тартибига бир хил талаб қўйил- майди. Дунё таърибасида бизнес- режани беш бўлимдан ўн саккиз бўлимгача кўринишда тузилаётган- лиги аниқланди. Ўзбекистон Рес- публикаси Қўшлов ва сув ҳўжали- ги вазирлиги ширкат ҳўжаликлари ва фермерлар учун тавсия этган

Бизнес-режадаги тахминий бўлим- лар қуйидагича бўлиши мумкин:
1-бўлим. Фирманинг имкониятлари, мақсадлари (кириш).
2-бўлим. Товарлар (хизматлар)нинг турлари.
3-бўлим. Товарларни сотиш бозор- лари ҳақида маълумот.

Бизнес-режа қандай тузилади?

вишда ёки мутахассисларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқилади.

Фермер ҳўжаликларида бизнес- режа тузишда қуйидаги тартиблар- га амал қилинади:

1. Фермер ҳўжалигининг манзи- ли, алоқа учун бошқа реквизитлари кўрсатилади.

2. Ишлаб чиқариш фаолиятининг мақсади ҳамда вазифалари аниқ ва равшан ёритилиши лозим.

Шунингдек, бизнес-режада иш- лаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, турлари, уларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар ва олиниши кутулаётган даромадлар кўрсатиб ўтилади. Шу билан бирга, ишлаб чи- қаришга жалб қилинган ўз маблағ- лари ва сармоядорлар маблағлари- нинг ҳажми, қайтариб бериш муддат- лари ҳақида ҳам маълумот берила- ди.

Бизнес-режанинг шакли ва тузи-

ҳамда амалиётда қўлланилаётган бизнес-режа намунаси мавжуд. Уни тузиш бўйича услубий кўрсатмалар ҳам бўлиб, уни тегишли туман қўш- лов ва сув ҳўжалиги бўлимидан олиш мумкин. Бизнес-режани ту- зиш унинг титул ваъаги (сарварак)- дан бошланади. Унда қорхона номи, манзилгоҳи, мулк шакли, раҳбарига тегишли маълумотлар, банк ва ста- тистик реквизитлари (кўрсаткичла- ри), бизнес-режани тузган шахсининг исми-шарифи кўрсатилади. Бизнинг тавсиямизча, бизнес-режа тузишда фермер ўзи тузиб топширган аввал- ги йилларнинг молиявий ҳисоботи шаклидан фойдаланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки йиллик мо- лиявий ҳисобот бу – бизнес-режа- нинг ижроси, бажарилиши бўлиб, уларни бир-бири билан солишти- риш, қийслаб бориш фойдадан ҳўли бўлмайди.

4-бўлим. Сотил бозорларидаги ра- қобатнинг ҳолати тўғрисида маълумот.
5-бўлим. Маркетинг (бозоршуно- слик, бозорни ўрганиш) режаси.

6-бўлим. Ишлаб чиқариш режаси (ишлаб чиқариш ҳажми, харажатлар ва даромадлар, солиқлар, капитал қури- лиш, қўйилмалар ва х.к.).

7-бўлим. Фермер ҳўжалиги фао- лиятининг ҳуқуқий таъминоти.

8-бўлим. Таваккалчилик (риски)ни баҳолаш ва уни суғурталаш.
9-бўлим. Қорхонанинг молиявий режаси (яқин уч йил ичида қўйилаёт- ган сотиш ва харажатлар ҳажми), пул оқимлари (мавжуд маблағлар хаража- ти таҳлили), жорий йил баланси ва яқин уч йилда қўйилаётган баланс масъулиятлари (истикболли тахми- ний баланс).

10-бўлим. Молиялаштириш страте- гияси ёки инвестиция режаси (бу бўлимида молиявий маблағларга

эҳтиёж ҳамда молиялаштириш усул- лари, қарз олиш ва уни қайтариш шартлари, муддат, рақобатбардош- ликни баҳолаш, бозордаги шу тур- даги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар тўғрисидаги маълумот, товарларни янгилаш, реклама, сифат, дизайн, ис- теъмолиларнинг эҳтиёжлари ёрити- лади).

Маслаҳатимизча, бизнес-режа фер- мер ҳўжалигининг узоқ муддатли, ис- тикболли режаси ҳисобланган ҳуж- жат бўлганлиги сабабли, уни 3-5 йил- га мўлжаллаб тузган маъқул. Бизнес- режа фермернинг ўрта саволига жа- воб бериши лозим:
- бизнесимизнинг жорий ҳолати қандай? (биз қерда турибмиз?);
- биз қўзлаган мақсад ўзи нима? (биз қайси томонга харажат қилмоқ- дамиз?);
- мақсадимизга қандай эришамиз? (энг қулай йўл қайси бири)?

Баъзи бир фермерлардан бизнес- режа туман банкидан кредит ёки ин- весторлардан ёрдам олиш учунгина керак, деган нотўғри фикрни эши- тиб қоламиз. Бу, албатта, масаланинг бир қирраси, ҳоло. Аслини олган- да, бизнес-режа фермерга қатта ҳаёт умидида қўлмас вазифасини бажа- ради. Шу боис, уни аниқ-пўхта тузиш ва қатъий амал қилиб ишлаш мақса- да мувофиқдир.

Баҳодир ҲАСАНОВ,
Тошкент Тўқимачилик ва
енгил саноат институти “Бух-
галтерия ҳисоби ва аудит”
кафедраси мудири, иқтисод
фанлари доктори, профессор.

Боғбони бор юрт

Фермерлик мўъжизаси

Ҳозирги пайтда фермер мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи кучи бўлиб қолди. Республика- мизда етиштирилаётган пахта ҳамда доннинг 80 фоиздан зиё- ди, картошканинг 96, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 84, гўшт ва сутнинг 97, туҳумнинг 65 фоизи қишлоқ мулкдорлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Мулкчиликнинг янги, моддий неъмат етиштирувчи учун манфаатли бўлган фермерлик хара- катини қўлоб ёйдиришга Истиқлолнинг дастлабки давридаёқ ҳуқуқий асос қўйилган. Яъни, 1991 йил ноябрь ойининг охи- рида Президентимиз томонидан қабул қилинган “Республика- да деҳқон (фермер) ҳўжалигини янада ривожлантириш ва му- стаҳкамлаш ҳамда давлат йўли билан ишбилармонлик фао- лиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинган эди.

Ўтган ўн беш йил давомида бу бо- рада салмоқли натижаларга эришил- ди. Энг аввало, деҳқон ва фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ҳаёт талабидан келиб чи- қилган ҳолда уларга бир қатор ўзга- ртириш ва қўшимчалар киритиб бори- лди.

Берилган имтиёзлар, яратилган шарт-шароитлар туфайли фермер ҳўжаликлари йилдан-йилга ривожла- ниб бормоқда. 1992 йили 12,2 минг- та фермер ҳўжалиги ташкил этилиб, уларга 201,5 минг гектар ер ажратиб берилган бўлса, бугунги кунга келиб мулкдорлар сафи 189 мингдан ошиб кетди. Шунга мутаносиб равишда уларга ажратилган ер майдони 4,9 миллион гектарни ташкил қилмоқда.

Мулка эгаллик ҳисси кучайганли- ги туфайли моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга, ҳосил-дорликни ошириш эвазига даромад- ни кўпайтиришга эришилмоқда. 2005 йили тугатилган 445 та ширкат ҳўжа- лиги негизда ташкил этилган 25,2 минг фермер ҳўжалиги кўрсаткичла- ри таҳлили ҳам бундан далолат бе- ради. Улар ҳар гектар пахта майдон- нига сарфланадиган ёнилғи-мойлаш материалларини ширкат ҳўжалигида- га нисбатан 28,2 литрга, минерал ўғитлар сарфини эса 42,7 кило- граммга камайтиришга муваффақ бўлишди. Ҳар гектардан олинадиган галла ҳосилдорлиги 6,4 центнерга, пахта эса 5,1 центнерга кўпайганли- ги туфайли даромад ва соф фойда сезиларли даражада ошди.

Фермерлик ҳаракатининг ривож- ланишида улар учун инфратузилма- ни тўла-тўқис яратишга алоҳида эътибор берилмаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, кейин- ги уч йилда ёнилғи, минерал ўғит, техника воситалари таъминоти, банк, сугурта, лизинг ва бошқа хизматлар қўрсатишда тўб ўзгаришларга эри-

шилди. Ресурслар фермер даласига етказиб берилмоқда, банк кредитла- ри ва лизинг асосида техника воси- талари билан таъминлашда салмоқ- ли натижаларга эришилаётди.

Сирдарё виллоятининг Бобўт туман- нига бўлганлигида, нафақат Бобўт- нинг, балки виллоятнинг олди фер- мерларидан бири Раҳмонқул Гулму- родов билан уррашдик.

Бор-йўғи 1,5 гектар майдонда иш бошлаган фермер ҳўжалигининг бу- гунда 350 гектар ери, ўз қорвачили- к тармоғи, шунга яраша дов-даскаси бор.

– Ўтган йил 116 гек- тар майдон- да гўза пар- варишлаб, 450 тонна пахта сотган бўлсан, шу- нинг 100 тоннасини уруғликка топширдик, ҳосилдорлик 50 центнерданни таш- қил эди, – дейди фермер, – режа- ни бажаришимизга 12 иш кўни ки- фоя қилди.

Пахта, галла, қорва бўлиб, умумий даромадимиз 180 миллион сўм, соф фойдамиз эса қарийб 100 миллион сўмни ташкил этади.

– Бу ютуқларнинг омиллари нима- да? – қизиқиб сўрадик.

– Бу муваффақиятларимиз замири- да, энг аввало, мамлакатимиз раҳба-рининг биз фермерларга қўрсатаёт- ган беҳиёс тамхўрлиги ётибди, – дейди Раҳмонқул. – Икки йилдир- ки, кимёвий ўғит дейсизми, ёнилғи дейсизми, эҳтиёт қисми, ҳаммаси- ни шундоқ даламизнинг қошига олиб келиб беришпти. Мабаддан муам- мо йўқ. Техникамиз етарли. Одамла- римиз қанчалик яхши меҳнат қилиш- са, шунчалик манфаатдор бўлишла-рини аллақачон англаб етишган. Ахил-иттифоқликда ҳар бир агротех-

ник тадбирни беками кўст амалга ошираётганимиз, ерни йил сайин бойитиб бораётганимиз, техникадан, ёнилғидан тежаб-тергаб фойдала- наётганимиз, ортиқча қимим ва хара- жатларга йўл қўймаётганимиз фер- мер ҳўжалигимизга файз-барака олиб келаяпти.

Фермернинг саъй-харақати билан қишлоқдаги ташландик бино қайта таъмирланди. Тўй-маросимлар ўтқа- зиш масканига айлантирилди. Ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган бу мухташам ошён бугунги кунда фермернинг қишлоқдошлари ихтиё- рига бериб қўйилган. “Ошмамат ота Гулмуродов” фермер ҳўжалиги аъзо- лари ҳам “Ҳосил тўйи”ни шу маскан- да ўтказишди.

Маросим охирида фермернинг ўзига сўз бериб қолишди. Раҳмон- қул кўп гапирмади.

– Бизга шундай имкон берган, ке- чаги деҳқонни мулкдорга айлантирган Мустақиллигимизга, хайрли иш- ларнинг тепасида турган Юртбоши- мизга раҳмат, – деди у. – Қўлга ки- ритган ютуқларимизнинг ҳаммаси сизларнинг астойдил, энг шимариб ишлаганларингиз туфайли, – деди ана аъзоларига қарата. Сўзи пир- вардида фермер ҳўжалигининг илг- ор ишчиларини, сувчи, механизатор- ларини номма-ном тилга олиб, улар- нинг тўрттасига рангли телевизор, ўттизтасига гилам, тўрттасига зотдор

бўзоқ совға қилди. Тан- нада катна- шадиган 11- мактаб раҳба-рини ёнига қорлаб, “Мус- тақил юр- тимизга муно- сиб, ишончи ўринбосарлар тайёрлаётган-

нингиз учун раҳмат, устоз”, дея қўл- га бир миллион сўмлик чек тутқази- ди.

– Ўтган йили компьютер олиб бер- ганди, бу йилги ҳиммати ҳам ундан кам бўлмади, отасига раҳмат, – деди ёнгинамизда ўтирган қария.

Бобўтда Раҳмонқул Гулмуродов- га ўшаган фермерлар битта ёки ик- кита эмас. Улар кўп. Туманда бўлган кўнчилиги фермерларнинг фидойи ишлари, ташаббуслари, хайри-саҳо- ватлари ҳақида жуда кўп қувончли гаплар эшитдик. Масалан, “Мулоло Ҳолик бобо” фермер ҳўжалиги раҳ- бари, “Ташаббус-2006” республика танловини совриндорларидан бири Қўблжон Раҳмонқул отаси Райи- мул ака, амакиси Сувонқул, укалари Каримжон, Илхомжон, Содикжон, Собиржонлар билан ўз фермер ҳўжа- лигига ёндош “Сахро” мавзесидан 60 гектар ерни ўзлаштириб, ўзлари қўрган насос ердамида сув чиқариб, шу йилнинг ўзида 40 центнердан ҳосил олибди. Эндиликда Қўблжон

бу йилги топган маблағи ҳисобидан ўз маҳалласида маийий-савдо маж- муаси ва чойхона қуриш харақатида юрганини айтиб беришди.

Биз юқорида мамлакатимизнинг биргина тумани – Бобўт туманида- ги бир-иккитагина фермернинг эзгу, хайрли ишларига тўхталдик.

Президентимиз Ислам Каримов Бош қомусимиз – Конституциямиз- нинг 14 йиллигига бағишланган тан- танали маросимда сўзлаган маъру- засида ана шундай олиҳиммат фер- мерлар номини алоҳида ҳурмат-эҳти- ром билан тилга олдилар.

Мана улардан айримлари: Қашка- дарё виллояти Ғузор туманидаги фер- мер ҳўжалиги раҳбари Ғайрат Пула- тов йил давомида 50 та оилага ҳомий- лик ёрдами кўрсатган, шу билан бир- га, кам таъминланган оилаларга 4 бош сирғил олиб берган.

Наманган виллояти, Мингбулоқ ту- манидаги фермер ҳўжалиги раҳба- ри Ҳакимжон Осулов эса 75 гектар қўриқ ерни ўзлаштириб, 35 киши- ни иш билан таъминлаган. Олинган фойда ҳисобидан 5 миллион сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдами кўрсатган.

–Навоий виллояти Хатирчи тумани- даги фермер ҳўжалиги раиси Салом ота Шойматов ҳақида алоҳида тўхтал- моқчиман, – деди Юртбошимиз ўша тантананда. – Пирю бадавлат, эл-юрт- га кўп хизмати сингган 75 яшар бу мухтарам оқсоқолимиз кам таъмин- ланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла ҳудудидаги йўлни асфальт қилиш, қабристон атрофини ободон- лаштириш, қишлоқ мактабини таъ- мирлаш ишларига жами 27,5 милли- он сўм маблағ сарфлаган.

Мустақиллик қалдирғочлари бўлган фермерларнинг саъй-харақа- лари билан қишлоқларимиз ободон- лашиб, кўн сайин чирой очмоқда.

“Ҳомийлар ва шифокорлар йили”- да фермер ҳўжаликларининг ҳомий- ликлари асосида кам таъминланган оилаларга, шифокорлар ва мактаб- лар қурилишига, таъмир ишларига, болалар боғчалари ва бошқа тоифа- даги инфратузилмаларни ривожлан- тиришга республикада 71 минг- дан ортиқ фермер ҳўжаликлари то- монидан 2352 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, кам таъ- минланган оилаларга 36650 бош қорамол хайрия сифатида берилди.

Фермер бойиса, эл бойиди, юрт обод бўлади, деб ана шунга айтадилар.

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқро кўргазма-сав- доси ташкил этилганлиги ва унда қўллаб шартномалар, келишув би- тиларининг имзоланганлиги фер- мерлик ҳаракатини янги босқичга кўтаришда алоҳида аҳамият касб этди. Эндиликда қишлоқ мулкдорла- ри қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш билан чекланмай уни қайта ишлаш билан шуғулланиб, ўз даромадларини янада ошириш им- кониятига эга бўладилар. Бу эса қўзлаган пировард мақсад – қиш- лоқларимизни янада қўркам ва обод қилишга, халқимиз турмуш фаровон- лигини оширишга хизмат қилади.

(Давоми бор)

Журналистика соҳасида
“Олтин қалам”
II миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистлари қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналисти- канинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналист- ларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгила ёндашувларни шакллантириш мақсадида “Олтин қалам” халқаро танловини ўтказди.

Жаҳон матбуоти эркинли- ги кўнига бағишлаб ўткази- ладиган бу танловга 2006 йилнинг 31 мартдан 2007 йилнинг 31 мартгача – бир йил давомида газета ва жур- налларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда қўрсати- лган ва Интернет саҳифа- ларида берилган материал- лар 2007 йилнинг 10 апрел- гача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:
Журналистика соҳасида беш миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, “Олтин қалам” кўркак нишони ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқ- дорда пул мукофоти билан тақдирланади.
Асосий мукофотлар:
– энг яхши журналистик ма- териал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3- ўринлар);
– энг яхши журналистик ма- териал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3- ўринлар);
– энг яхши журналистик ма- териал учун миллий мукофот (даврий матбуот – 1-, 2-, 3- ўринлар);
– энг яхши журналистик ма- териал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика – 1-, 2-, 3- ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўркак нишони ва энг кам иш ҳақининг 160 баро- бари миқдорда пул мукофо- ти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўркак нишони ва энг кам иш ҳақининг 140 баро- бари миқдорда пул мукофо- ти билан тақдирланадилар.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди. Материаллар “Олтин қалам” танловига деб қўрсати- лган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри-100129, Навоий кўчаси, 30-уй. 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Телефонлар: 144-64-62; 144-64-61; 144-37-87; Факс: 144-69-65 E-mail: ijod@sarkor.uz www.journalist.uz

– энг яхши карикатура

– чет эллик журналист- нинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материал учун.

– Рабатлантирувчи номи- нациялар бўйича ғолиблар диплом, статутга энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.

– Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда Ин- тернетда эълон қилинган иш- лар тақдим этилади (5 тандан кам бўлмаслиги керак).

– Телевидение бўйича ви- деоматериаллар, ахборот та- шувчи воситанинг қандай қилинишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минут- гача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ

(аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутга- ча бўлиши керак.

– Матбуот ва Интернет мате- риаллари даврий нашрининг асл нусхаси ёки кўчирма нус- хасида тақдим этилиши ло- зим.

– Танловга юборилган ма- териалларга қуйидагилар илова қилинади:

– муаллифнинг исми- шарифи, профессионал фао- лияти тўғрисида қисқача маълумот;

– муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

– паспорт нусхаси.

– Танлов ғолибларини муко- фотлаш 2007 йил 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни тантанали равиш

Если хочешь узнать больше о биржевых ценах, отправь слово **UZEX** на 8881



АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ:

Илм мангу қолади

(Боши 1-бетда)

Сўнгги йилларда мазкур ўқув даргоҳида ўз фанини чуқур эгалаган, илмий, маънавий билан ҳаммаслари орасида бўри топиб, кенг жамоатчилик хурмати билан кўзланган педагогик жамланган эътиборга молик. Профессор-ўқитувчилар А.Пахратдинов, О.Доспанов, С.Пирназаров, ин-

физика-математика фанлари номзоди, доцент Бахт Жўлибеков. Ўтган етмиш уч йилдан энди вақт мобайнида бу ерда минглаб талабалар қанақадан қанақадан таълим олишлари билан қўллардан сабоқ олишган. Улар ичида эндиликда республикамизнинг нуфузли идора ва ташкилотларида юқори лавозимларда хизмат қилган ва қилаётган

сининг Антропология ва этнология институти билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Мазкур олийгоҳнинг Антропология бўлими катта илмий ходими, техника фанлари доктори Т.Ходжаев ўтган йили институтимизда бўлиб, тарих кафедрасининг археолог олимлари томонидан шу вақтга қадар ўтказилган экспедициялар давомида тулганган материаллар устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Бу материалларни тадқиқ қилишдан мақсад, Оролбўйи халқларининг этнологияси ва этник масалаларни чуқур ўрганишдир. Бундан ташқари, 2006 йил 1-5 ноябрь кунлари Хоразм Маъмурият академиясининг 1000 йиллигига бағишланган халқаро анжуманида институт археолог олимлари ноёб материаллар кўргазмаси билан қатнашди. Бу омилар институтининг МДХ олий ўқув юртини орасида ҳам ўзига хос обрў-этибори борлигидан далolat бериб турибди.

ни тараннум этадиган ўлмас қўшиқлар яратаверади.

Ёш иқтидорларга эътибор

Хар қандай мамлакатнинг келажиги бу — унинг ёшларидир. Ёшларимизнинг ҳаёти, уларнинг турмуш тарзи қай даражада эканлиги ва қандай бўлиши лозимлиги давлат миқёсидаги вазио сифатида қаралади. Қувончлики, республика раҳбариятининг иқтидорли ёшларга бўлган эътибори йилдан-йилга ортмоқда. Билми, ташаббускор йигит-қизларимизнинг истеъдодларини юзага чиқариш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Шу нуқтананга кўра, институтимизда ишлатилган 4-курс талабаси Шарафат Сайимбетов Навоий номидаги, табиатшунослик факультетининг талабаси Гулмира Сапаева эса Улугбек номидаги Давлат стипендияси соҳиблари бўлишди.

Зомин туманининг баҳаво, ҳушманзарра гўшларидан бирдир республика ёш иқдорларининг "Биз Президент фарзандларимиз" шир-

Истеъдоднинг илк ёлқинлари

Баширнинг дастлабки ажодларига Яратган томонидан онг ато этилибдики, улар бир юмш билан ҳаммаша машғул: ўйлайди, ва, албатта, ўз йилларини турли



воситалар орқали баён қилади. Сўз, оҳанг, тасвир, қўшиқ воситасида фикр айтиш ҳаёти ва инсоният таъриқларининг маъсули ўларок санъат вужудга келди. Институтнинг жисмоний тарбия факультети ўқитувчиси Максет Ҳамидовнинг севиб тингладиган қўшиқларини 2004 йили Бошқир-дистоннинг Уфа шаҳрида ўтказилган туркий халқлар ёш эстрада хонандаларининг "Урал моно" қўшиқ фестивалида биринчи даража даражаси билан бош мукофот билан тақдирланди. У 2005 йил 1 сентябрь кунини "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист" унвонига сазовор бўлди. Максетнинг қўшиқлари етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган мухлисларнинг қўнгил торларини чертиб ўтди. Ўйлашимизки, Максет бундан кейин ҳам ҳур ва овоз юртимиз-

ори остида ўтказилган семинар-кеңашда институт талабалари ҳам иштирок этишди. Педагогика факультети 4-курс талабаси Амангул Турдимуратова Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қосида таътил этилган Олий адабиёт курсига йўллана олган бўлса, филология факультети 1-курс талабаси Шахло Романова эса бош соврин соҳибаси бўлди.

Ўтган йили Тошкентда ўтказилган кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионати мусобақасида ва жисмоний тарбия факультетининг 1-курс талабаси Жамшид Камолов учун омадлик келди. У спортнинг шу тури бўйича жаҳон чемпионлиги бўлди. Чемпион шарафига маҳкамият янграб, байроғимизни хилпирати. Бундан ташқари, Самарқандда ўтказилган мусобақада институт волейболчи қизлари фахри биринчи ўринни қўлга киритишди.

Мусикий таълим ва жисмоний тарбия факультетининг 1-курс талабаси Алибек Крабаев эса ўтган мавсумда Болгарияда ўтказилган бокс бўйича халқаро турнирда Ўзбекистон тарма жамоаси таркибиде иштирок этиб, фахрли иккинчи ўрин соҳиб бўлди.

Етук кадрлар тайёрланмоқда

Ўқорида айтиб ўтганимиздек, илмий тадқиқот ишларида институтнинг иқтидорли бакалаврлари ва магистрантлари ҳам фол иштирок этишяпти. Магистрантлар орасида муваффақиятлари қўлга киритган ва ўз илмий тадқиқотлари билан соҳа мутахассисларининг назарига тушган талаба ёшлар кўп. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан 2005 йилда 3 та монография, 6 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма, 1 та тўплам, 58 та услубий қўлланма яратилган бўлса, 2006 йилда 3 монография, 1 та дарслик, 1 ўқув қўлланма, 3 та тўплам, 3 та услубий қўлланмалар тайёрланди.

Тизимда амалга оширилаётган ислохотларни мукаммал ва самарали таътиб этиш мақсадида, имкон қадар, ёш ва гайратли мутахассисларни жалб этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга, - дейди Ахуниев номидаги Нукус Давлат педагогика институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, техника фанлари номзоди, доцент Боевиев Ибрагимов. - Шу боси, институтимиз профессор-ўқитувчилари таркибига ёш ва қокори малакали кадрларни жалб этиш асосий вазифалардан бири, деб белгиланган. Зеро, масъулият тўғри аниқланса, мақсадга етиш осон кечади.

Хозирда институтда замонавий спорт зали, ошхона, кутубхона, талабалар турархоналари, қўйингки, яхши ўқиш учун барча шароитлар мурбат қилинган. Бу эса жамоани янги-янги ютуқларга даъват этиши шубҳасиз.

Ўзбек халқи маданияти, урф-одат ва маросимлари илдини олис ўтмиш бағрида ҳам мустаҳкам эди. Агар биз мазоини чуқур ўрганишга киришсак, аънавлари-мизининг нечоғли қизиқари ва аҳойиб эканлигини ҳис қиламиз, - дейди Ахуниев номидаги Нукус Давлат педагогика институтининг маънавият ишлари бўйича биринчи проректори Гулмира Курбониев. - Бирор юртининг келажиги ҳақида фикр юритиш учун унинг ўтмишига назар солинади. Ўтмиш халқнинг юзи ҳақида эрта-синдр. Бугунги кунда маданият уйларида, маҳалларда, ташкилотлар, кутубхоналарда халқимиз аънавларида оид ўтказилаётган йилни ва тадбирларнинг маънавий аҳамияти бекуёс. Ватанинг аниқлаш шундан бошланади.

Институтимизда ҳам азалий меросимиз, маънавий қадриятларимизга бағишланган жуда қўлпал тадбирлар ўтказилапти.

Иқтидор эгаларини камол топтириш йўлида катта ишлар қилинаётган мазкур институтнинг тафаккур дунёси кенг, интеллектуал салоҳиятли ворислари буюк юртининг парвоз этар қанотлари Зеро, келажакда бу ердан Ахуниев, Бердаш сингари доғрури етти иқлимга кетган аллоамалар етишиб чиқса, не ажаб.

Улугбек ЖУМАЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



"Пахтакор" ярим финалда

"МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоғи" мусобақасида Тошкентнинг "Пахтакор" клуби бош соврин сари даражасида.

Украина чемпиони "Шахтёр" клуби ўринбосарлари футбол сирларидан дарс берган "Пахтакор"чилар йирик ҳисобдаги галабани ишловлашган. Ўша йўлда "Шахтёр" дарвозасига "Пахтакор" футболчиларидан Кирия, Жепаров, Қопазев ва Кликуновлар тўп йўллашган - 4:0.

Ушбу галаба вақилларимизни чорак финалга олиб чиқди. Ярим финал йўлнамаси учун эса "Пахтакор" Сербиянинг ОФК клубига қарши баҳс олиб борди. Тенгма-тенг қурашлар остида ўтган ўрашувнинг асосий вақти 1:1 ҳисоби билан якунланди. Пенальтилар серия-

сида эса омад "Пахтакор" футболчиларига қўлиб бокди - 4:2. Шу ўринда таъкидлаб ўтамиз, "Пахтакор" мураббийи Равадан Хайдаров ўрашувнинг



сўнгги дақиқасида дарвозабонни алмаштирди. Натижада, Игнатий Нестерев ўрнига майдонга тушган Темур Жўраев битта пенальтини бартараф эта олди.


"Пахтакор" "МДХ ва Болтиқбўйи" чемпионлари кубоғи да биринчи бор пенальтилар сериясида галаба қозонди. Бунгача футболчиларимиз икки бор ўзига хос лотереяда имкониятни бой бершган: 2003 йил Латвиянинг "Сконто" клуби ва 2006 йил Озарбайжоннинг "Боку"си 11 метрлик нуқтдан дарвозани ишлов этишда ҳамюртларимиздан аниқроқ ҳаракат қилишган. Ярим финалда Равадан Хайдаров шоғирлари Молдованинг "Шериф" клубига қарши майдонга чиқди.

Виталий Кличко рингга қайтди

Ака-ука Кличкларининг матбуот хизмати Виталий Кличконинг яна профессионал боксга қайтиши ҳақидаги маълумотлар ҳақиқат эканлигини маълум қилди.

Хатто, мазкур масала юзасидан Гамбургда сойиб WBC чемпиони иштирокида матбуот анжумани ҳам ташкил этилди. Виталий Кличко ўзининг сўнгги "жанг"ини 2004 йилда америкалик Дэни Уильямсга қарши ўтказиб, галаба қозонган. WBC раёбарлари 2005 йилнинг 20 декабрида фаолиятини якунлаган Виталийни супероригр вазиде фахрий чемпион сифатида эътироф этишиб, мабодо яна боксга қайтса, чемпионлик камарига асосий даъвогар ҳисобланишини маълум қилишган. Хозир ҳам бу қарор ўз кучида турибди. Катта Кличко WBC чемпиони Олег Маскаевга қарши шу йилнинг 21 апрелида қадар рингга қўтарилиш ҳуқуқига эга.

Шу ўринда WBC Самуэль Петер масаласига ҳам ойдинлик киритди. У айни пайтда Маскаевга қарши "жанг"га ҳозирлик қўраётган. Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган овоз бериш жараёни Кличко фойдасига ҳал бўлди ва Петер ўз наватини қўтиб турди.



Ярим финалда Серена Уильямс чехиялик ракетка устаси Николь Пайдишова-ни мағлубиятга учратди, Мария Шарапова эса белгиялик таниқли теннисчи Ким Клейстерсдан устун келди.

—Мен бугун фаолиятимда қийин учрашувлардан бирини ўтказдим. Айни пайтда Ким жуда яхши жисмоний тайёр-гарликка эга ва уни мағлубиятга учратиб анча оғир келди. Финалдаги рақибим айнан Серена бўлганидан хурсандман. Икки йил олдин Австралия очик чемпионатида унга имкониятни бой берганман. Уимблдонда эса ундан устун келганман. Қисқаси, унга қарши баҳс юритиш учун етар-лича малакага эгаман, - деб айтиб ўтган ярим финал ўрашувидан сўнг Мария Шарапова "НТВ+Теннис" телеканалига берган интервьюсида.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Осиё ўйинлари сари йўл

28 январдан 4 февралга қадар Хитойнинг Чанчунь шаҳрида VI қишки Осиё ўйинлари бўлиб ўтади.

Бунгача вақилларимиз тўрт бор ана шундай нуфузли мусобақада иштирок этишган ва ҳар сафар медаллар билан юртимизга қайтишган.

Чанчунь ареналарида Мария Аганина, Артем Князов, Анастасия Гимазетдинова, Мадина Расулова, Эльвира Халиуллина, Ксения Григорьева, Гулизо Гокопова, Қайрат Эрматов, Ноль Ширязданов, Денис Григорьев ва Олег Шамеевлар юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.



Теннис бўйича йилнинг илк йирик турнири - Австралия очик чемпионати финалчилари маълум бўлди.

Ярим финал баҳсларидан сўнг АКШлик Серена Уильямс ва россиялик Мария Шарапова бош совринга эгалик қилиш учун ўзаро қорға чиқишади.



Оқлар маҳорат кўрсатиб, галабага эришади.


Эски "қадрдонлар" беллашади

Ярим финалда Серена Уильямс чехиялик ракетка устаси Николь Пайдишова-ни мағлубиятга учратди, Мария Шарапова эса белгиялик таниқли теннисчи Ким Клейстерсдан устун келди.

—Мен бугун фаолиятимда қийин учрашувлардан бирини ўтказдим. Айни пайтда Ким жуда яхши жисмоний тайёр-гарликка эга ва уни мағлубиятга учратиб анча оғир келди. Финалдаги рақибим айнан Серена бўлганидан хурсандман. Икки йил олдин Австралия очик чемпионатида унга имкониятни бой берганман. Уимблдонда эса ундан устун келганман. Қисқаси, унга қарши баҳс юритиш учун етар-лича малакага эгаман, - деб айтиб ўтган ярим финал ўрашувидан сўнг Мария Шарапова "НТВ+Теннис" телеканалига берган интервьюсида.



Оқлар маҳорат кўрсатиб, галабага эришади.



А.ИНОКОВ тайёрлади.

Бу партияда ҳам оқлар муваффақиятини қўлга киритади.

Герберт КЕМОКЛИДЗЕ

Уддабурон киши

(Ҳажвия)

Нимадир бўлиб, бўш пайтларимда астрономия билан шугулланишга аҳд қилдим. Хар қил юлдузларни ва, умуман, осмон жисмларини ўрганим келди. Бунинг учун эса уйимнинг шифтидан тешик очиб керак бўлиб қолди. Маниш хизмат идорасига бордим, буюртма қабул қилувчи аёл деди:

— Биздаги ишлар рўйхатида бунақа хизмат йўқ, директорнинг ўзига учрашиб қўринг-чи. Директорга мақсадимни айтгач, у шундай деди: — Доворда тешик очганимиз мумкин - бизда шунақа хизмат тури бор, шифтидан тешик очганини хали хизматлар рўйхатига киришиб улгурганимиз йўқ.

— Нахотки, рўйхатдан ташқари мумкин бўлмаса? - сўрадим мен.

— Мумкинлигига мумкин-ку-я, - деди у, - факат бундан менга нима фойда? — Ҳа, ўзи нима керак? - сўрадим мен.

— Сиздан уғина, биздан бугина-да, - деди у. — Менга дала ҳовли учун "УН-349" насоси керак. Уни 247-хорхонада ишлаб чиқаришади, факат бунинг йилини топиш керак.

Уш шархона директорига дардимни айтганимда, у менга шундай деди: — Насос беришим мумкин, аммо, бундан мен нимага эга бўламан? Агар сиз "Қўриқчилар" бошқармасидан заводимиз майдончасида ўн метрлик қудуқ қазилган, бағлангиздан гаплашиб берсангиз, масаланигиз тезда ҳал бўлади.

Бошқарма бошлиғига учраганимда у нима деди: денг: — Қудуқни қаздириб берадим-у, аммо бундан мен нима наф топаман? Агар сиз "Жестяничик" футбол командасига киролсангиз бу бунинг "Қўриқчи" жамоаси билан бўладиган ҳал қилувчи бўлган бўларди.

Мен "Жестяничик"қа сўқилиб қирдим, ўз дарвозамизга тўп киритдим, бошқарувчи менга бригадани берди, бригада қудуқни қазди, хорхона директори насос берди, комбинат директори тешадиган асбоби билан уста ажратди.

Устани уйга олиб келиб "Теш" дедим. У бўлса "Аваллар яримтани олиб кел", деди. Мен унга очилганидан тешик учун насос топиб берганимни айтдим. У бўлса "Бунинг менга алоқаси йўқ", деди.

Ноилж дўкондан бир шаша ароқ олиб келдим. Уста ичди, яна битта олиб келиш учун кетди ва қайтиб келмади. Унинг асбоби билан шифтидан тешик очиб олдим. Бир йилдирки, ўша асбоб менда турибди. Агар қимгадир шифтидан тешик очиб керак бўлса, ҳис қилин орага соймай турти ўзинига ўйравверсин. Факат битта нараса эсдан чиқмасин: мен бундан нима фойда қураман?

Русандан ҲАБИБ СИДДИҚ таржимаси.

Рассом хандаси



Б.КАЛОНОВ чизган расмлар.

Уйда ўтирган... эркак



Изоҳга ҳолат йўқ.

—Тутатиб олсак бўла-ми, ака?!

—Тутатиб олсак бўла-ми, ака?!

—Тутатиб олсак бўла-ми, ака?!

—Тутатиб олсак бўла-ми, ака?!

—Тутатиб олсак бўла-ми, ака?!

—Тутатиб олсак бўла-ми, ака?!

—Тутатиб олсак бўла-ми, ака?!

—Тутатиб олсак бўла-ми, ака?!

—Тутатиб олсак бўла-ми, ака?!

—Тутатиб олсак бўла-ми, ака?!

—Зур-ку, ота бўлдим, денг! — Уни сид-кидидан табриклидим ва сўрадим: —Ишляясиизми?

—Йўқ, —Нега?

—Э, ака, ишлаб нима қиламан, Гул-чехроҳон хар кун камиде ўн минг сўм топади. Бир ойда йилгирима кун чқиса, икки юз минг сўм тайёр дедяверинг. Бунча ойлик кўрсада бор?

Ороқ, гурурсиз йигит фахрланиб га-пирарди.

Келин нима олиб сотади? —Мева-чева. Қўйлик бозоридан кўта-расига олиб, кўча ва муқошиларда, бир-на-пастмақта юриб сотади, бир жойда туриб савдо қилиш қийин, текширувчи-лар кўп. Қўйликдан хар гал йигирма-ўттиз киро олиб келади.

—Аёл кишига шунча юк оғирлик қил-майди, яна кўчама-кўча юраркан?!

—Ака, хотин кишининг жони темирдан ҳам қаттиқ бўларкан, ҳуфтонда келса ҳам чарчадими демайди. Гулчехроҳон сўзининг устидан чиқиб бизни боқпти.

Баҳодир шундай деб беўжов иш-лайиб қўйди.

—Сиз уйда нима иш қиласиз? — сўра-дим ундан.

—Қизим Умидга қарайман, овқатени бераман, йилгаса юпатаман. Уй ишларини ҳам ўрганиб олдим. Овқат пиши-раман, кир юваман, игна-ип ушлаб тура-ман. Яқинда духвоқада нон пишириб қўрдим. Хозир Гулчехроҳон уйда бўлган кунлари чўчара тугишини ўргатяпти...

Узини тўтиб туролмадим. —Тушинчи-чи, тушини ўргатаяпти-ми? — деб юрбодим.

—Бунима деганинчи! — У бир оз қизи-шди. —Мен эркакман, эркаклик гурурим қў-йиб гапирсангиз ҳам уйлаб гапиринг.

—Мен уйлаб гапирмаган, ака, сиз кел-лига жабр қилиш ҳисобига уй бекаси бўлиб қолбасиз.

Афсуски, хозир бундай оиналар бит-та-хитта эмас, анча учрайди. Бу тобо-ра оддий ҳолатга айланиб бораётганда. Оила боқиб масъулияти эркаклардан қўра аёллар зиммасига тушаётганини одат тусини олаётгани ачинарли ҳол, албатта. Бу бизнинг минг йиллик қадри-ятларимизга ҳам тўғри келмайди. Гап аёлларнинг тиричилиги йўлидаги хатти-харақатлари ҳақида эмас, балки, очиги, дангаса эркакларнинг уй бекаси ай-ланиб қолаётганига хусусида бора-пти.

Етишмовчилик туфайлигина аёллар